

Инновацион ишланма, технология ва лойихалар ҳамда илмий-техник маҳсулотларни яратиш (топшириш) ни тижоратлаштириш учун 7/01/23 -рақамли

## Ш А Р Т Н О М А

Тошкент ш.

„20“ май 2023 й.

Илмий-техник маҳсулотларни яратувчи (топширувчи) ташкилот – ТКТИ (Тошкент кимё-технология институти) – кейинги ўринларда “ИЖРОЧИ” ташкилот номидан Низом асосида иш юритувчи ректор **Б.Ш. Усмонов** бир томондан ва иккинчи томондан ҚМШИ (Қарши муҳандислик иқтисодий институт) – кейинги ўринларда “БУЮРТМАЧИ” ташкилот номидан Низом асосида иш юритувчи ректор **О.Ш. Базаров** ўртасида томонларнинг келишувига асосан ЎзР ФК нинг 101; 102; 104; 105; 107; 108; 353- ва 357; 359; 363; ҳамда 631- ва 702-моддаларига риоя қилиниб ушбу шартнома қуйидаги мазмунда тузилди.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома доирасида “БУЮРТМАЧИ” буюртма беради “ИЖРОЧИ” лаборатория ускуналарида ишлаш юзасидан ўқув курсларини ўтишни ўз зиммасига олади.

1.2. Илмий-техник маҳсулотга қўйиладиган илмий, техник-технологик, иқтисодий ва бошқа шартлар ушбу шартноманинг предмети ҳисобланиб, техник топшириқномаси ва календар режа асосида тартибга солинади ҳамда илмий-техник маҳсулотни асосий босқичларининг бажарилиш муддати ва тартиби календар режага мувофиқ амалга оширилади.

1.3. Илмий-техник маҳсулотнинг якуний натижаларини топшириш ва баҳолаш шакли Техник топшириқнома ва Календар режага мувофиқ амалга оширилади ҳамда ишларнинг мазмуни, ҳажми ва натижалари Техник топшириқнома ва Календар режага мос бўлиши шарт.

1.4. Илмий-техник маҳсулотнинг келишув баённомаси, техник топшириқномаси, календар режаси ва ҳаражатлар сметаси мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва шартномага илова қилинади ҳамда ушбу иловаларсиз шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

### 2. ШАРТНОМАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲАЖМИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Илмий-техник маҳсулотнинг баҳоси ҚҚС сиз 5 000 000 (беш миллион) сўмни ташкил этади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган келишув баённома сига мувофиқ “БУЮРТМАЧИ” “ИЖРОЧИ” нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган маблағни ўтказди.

2.2. “БУЮРТМАЧИ” “ИЖРОЧИ” нинг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий қийматидан **30% миқдордаги аванс тўловини** олдиндан тўлаб беради ва қолган маблағ тўлови шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган календар режа асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2.3. Шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов (**аванс тўлови**) суммаси “ИЖРОЧИ” нинг ҳисоб рақамга тушган санадан бошлаб 10 иш куни ичида “ИЖРОЧИ” илмий-техник маҳсулотни бажаришга киришади ва мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда “БУЮРТМАЧИ” га топширади.

2.4. Шартноманинг молиявий ҳажми ҳаражатлар сметаси билан тартибга солинади ва бажарилган ишларни молиялаштириш ҳар ойда календар режа босқичлари асосида амалга оширилади.

2.5. “ИЖРОЧИ” илмий-техник маҳсулотга ажратилган маблағ доирасида ҳаражатлар сметаси бандларининг таркиби ва ҳажмини мустақил белгилайди.

2.6. Илмий-техник маҳсулотнинг баҳосини аниқлаб берувчи қуйидаги омиллар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иш ҳақларини ошириш тўғрисидаги қарор ва фармонлари, материаллар, хизматлар ва бошқа ҳаражатлар сметаси бўлимлари таннархининг кўтарилиши муносабати билан “ИЖРОЧИ” сарф-ҳаражатларининг ошиши натижасида шартноманинг молиявий ҳажми кўриб чиқилади ва қайта баҳоланади.

Янги индексни қайта ҳисоблаш (баҳолаш) илмий-техник ишнинг календар режа бўйича қолдик қисмдаги ишига мувофиқ бажарилиши шарт бўлган фақатгина ўша қисмига таалуклидир.

2.7. Илмий-техник маҳсулот қийматини ўзгартириш асосий шартномага асословчи материалларни илова қилиш йўли билан қўшимча келишув шартномаси расмийлаштирилади.

2.8. Босқичлар бўйича хужжатлар – қабул қилиш-топшириш далолатномалари расмийлаштирилгандан сўнг, **“БУЮРТМАЧИ”** белгиланган тартибда 10 банк иш куни ичида **“ИЖРОЧИ”** ҳисоб рақамига тўловни амалга оширади.

2.9. Алоҳида босқичнинг ишлари бажарилганда оралиқ тўловларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида **“БУЮРТМАЧИ”** амалга оширади.

2.10. Тугатилган босқич учун белгиланган тўлов амалга оширилгандан кейингина **“ИЖРОЧИ”** кейинги босқич ишларини бажаришга киришади.

2.11. Бажарилган ишларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан тугалланган илмий-техник маҳсулот (ушбу ишни қабул қилиш тўғрисидаги **“БУЮРТМАЧИ”** ни илмий-техник кенгаши хулосасининг баённомаси) бўйича шартноманинг якуний тўлови олдиндан тўланган авансни ҳисобга олган ҳолда **“БУЮРТМАЧИ”** томонидан тўлиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

3.1. **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилот куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) **“БУЮРТМАЧИ”** мазкур шартномани **“ИЖРОЧИ”** томонидан тўлиқ бажарилишини назорат қилади;

б) **“БУЮРТМАЧИ”** мазкур шартномани 5 иш куни ичида кўриб чиқади, имзолайди ва **“ИЖРОЧИ”** га қайтаради ҳамда 5 банк иш куни ичида олдиндан аванс тўловини амалга оширади. Агар **“БУЮРТМАЧИ”** шартномани расмийлаштиришни ёки аванс тўловини кечиктирса, у ҳолда шартноманинг келишилган муддати, яъни бошланиш ва тугатилиш муддати кечиктирилган кунга мос равишда узайтирилади;

в) **“БУЮРТМАЧИ”** шартноманинг ажралмас қисми бўлган календар режа босқичлари бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида қабул қилади, 10 банк иш куни муддатида кўриб чиқади, имзолайди ва расмийлаштиради ҳамда бажарилган ҳар бир босқич учун тўловни амалга оширади ёки асосли далиллар келтириб далолатномани рад қилади, акс ҳолда иш қабул қилинган ҳисобланади ва тўлов амалга оширилади;

г) **“БУЮРТМАЧИ”** шартнома доирасида бажариладиган илмий-техник ишлар юзасидан камчилик ёки хатоликларни аниқласа, камчилик ёки хатоликлар **“ИЖРОЧИ”** билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқилади ва икки томонлама хужжатларга мувофиқ қўшимча чоралар кўрилади ҳамда **“Ижрочи”** томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар қўшимча тўловларсиз бартараф этилади;

д) **“БУЮРТМАЧИ”** қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг 25 банк иш куни муддатида бажарилган босқич бўйича тўловни амалга оширмаса, яъни ўз вақтида тўлиқ тўлов амалга оширилмаса тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% микдорда пеня тўлайди ва бунда пеня микдори топширилган ва тўланган иш сўммасининг 50% дан ошмаслиги керак;

е) мазкур шартнома доирасида олинган илмий-техник маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқариш ҳукуқи **“БУЮРТМАЧИ”** га тегишли бўлиб, **“ИЖРОЧИ”** томонидан олинган ноу-хоу, патентлаштириладиган, лицензияланадиган ҳамда аналогсиз илмий янгилик, техника ва технологиялар бундан мустасно ҳисобланади;

ж) **“БУЮРТМАЧИ”** мазкур шартнома доирасида **“ИЖРОЧИ”** томонидан олинган ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларни лицензия шартномасини тузган ҳолда ишлатишга ҳақли, акс ҳолда патентлаштириш ва муаллифлик ҳукуқини олиш жараёни тугаганига қадар сир тутиши шарт. Агар **“БУЮРТМАЧИ”** шартнома доирасида **“ИЖРОЧИ”** томонидан олинган ноу-хоу, илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишларни патентлаштиришда ҳамкорлик қиладиган бўлса, томонлар ўртасида ҳамкорлик келишув баённомаси тузилади ва барча харажатлар учун тўлов **“БУЮРТМАЧИ”** томонидан амалга оширилади;

з) **“БУЮРТМАЧИ”** томонидан шартнома доирасидаги ишлар тўхтатилганда ёки умуман бекор қилинганда икки томон манфаатларига мувофиқ келувчи далолатнома расмийлаштирилади, **“ИЖРОЧИ”** бажарилган иш хажмига кўра қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади ва уни расмийлаштиришга беради, бажарилган иш хажми **“БУЮРТМАЧИ”** томонидан тўлаб берилади;

и) мазкур шартнома доирасидаги ишлар муддатидан олдин бажариладиган бўлса, **“БУЮРТМАЧИ”** томонидан белгиланган тартибда иш қабул қилинади ва тўлов 3.1. “в” бандга мувофиқ тўлиқлигича амалга оширилади;

к) **“БУЮРТМАЧИ”** нинг ваколатли ходимлари лойиҳа бажарилаётган жойга бориб ишларнинг боришини ва шартнома учун ажратилган молиявий маблағларни мақсадли ишлатилаётганини текшириш ҳуқуқига эга.

3.2. **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилот илмий-техник маҳсулот доирасида бажариладиган ишларнинг сифатли ва самарали олиб борилиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш майдонлари, лабораториялар, асбоб-ускуналар, хом-ашё ҳамда хизматлар билан **“ИЖРОЧИ”** ташкилотни тўлиқ ва ўз вақтида таъминлайди.

3.3. **“ИЖРОЧИ”** ташкилот қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) **“ИЖРОЧИ”** илмий-техник маҳсулотни белгиланган муддатда юқори илмий-техник даражада сифатли қилиб бажаришни ўз зиммасига олади ва мазкур шартнома шартларига тўлиқ амал қилади;

б) **“ИЖРОЧИ”** календар режа босқичларига мувофиқ олиб борилган ишлар бўйича ҳисоботларни **қабул қилиш-топшириш далолатномаси** асосида ўрнатилган тартибда ўз вақтида **“БУЮРТМАЧИ”** га тақдим этади;

в) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот **“Вақтинчалик илмий-ижодий жамоа”** тузади ва белгиланган тартибда расмийлаштиради;

г) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот мазкур шартнома доирасида тушган маблағлар бўйича бухгалтерия ва материаллар ҳисобини олиб боради, уларнинг мақсадли сарфланишини ҳамда илмий-техник ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида топширилишини таъминлайди;

д) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот мазкур шартноманинг молиявий ҳажмидан келиб чиқиб 20% гача устама харажатлар ҳажмини белгилайди ва сметада акс эттиради;

е) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот шартнома шартларини, календар режа босқичларини ва ишларни белгиланган муддатда сифатли қилиб бажармайдиган бўлса, **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотга ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тулайди ва бунда пеня миқдори шартнома сўммасининг 10% дан ошмаслиги керак;

ж) **“ИЖРОЧИ”** ташкилотнинг почта ва банк реквизитлари ўзгарганда **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотга ўз вақтида хабар қилади;

з) мазкур шартнома доирасида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида муаллифлик ҳуқуқи химояланиши зарур бўлган илмий натижа ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмалар олинса **“ИЖРОЧИ”** ташкилот икки ҳафта муддатда ўзининг илмий-техник кенгашида хабарни кўриб чиқиб интеллектуал мулк объектини химоялаш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотга расмий ахборот беради;

и) мазкур шартнома доирасида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида яратилган интеллектуал мулк объектнинг ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларнинг эгалик ҳуқуқи (муаллифларнинг ҳуқуқи тўлиқ сақланган ҳолда) **“ИЖРОЧИ”** ташкилотга тегишли бўлади;

к) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот мазкур шартнома доирасида яратилган интеллектуал мулк объектини ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларни тўғридан тўғри лицензия шартномасини тузиш йўли **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотга бериш ҳуқуқига эга. Агар **“ИЖРОЧИ”** ташкилот мазкур шартнома доирасида яратилган интеллектуал мулк объектини ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларни лицензиялаштирадиган, патентлаштирадиган ва муаллифлик ҳуқуқини оладиган бўлса, бу ҳақда **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотни олдиндан ёзма хабар бериш орқали хабардор қилиши лозим;

л) мазкур шартнома доирасида ишларни бажарилиши учун сотиб олинган асбоб-ускуналар, қурилмалар иш бажарилгандан сўнг **“ИЖРОЧИ”** ташкилот балансида қолдирилади ҳамда молия йилининг охирида ҳар бир сотиб олинган асбоб-ускуна, қурилма ва бошқалар бўйича молиявий харажатлар кўрсатилган рўйхатни **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилотга га тақдим этади;

м) **“ИЖРОЧИ”** ташкилот ташаббуси ёки айби билан шартнома бекор қилинадиган ҳолатда **“БУЮРТМАЧИ”** ташкилот томонидан амалга оширилган аванс тўловини тўлиқлигича қайтаради.

3.4. **“ИЖРОЧИ”** ташкилот томонидан мазкур шартнома доирасида яратилган интеллектуал мулк объектлари ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмалар учинчи томонга бериладиган бўлса, у ҳолда лицензион келишув асосида берилиши ва лицензион келишув олди-берди далолатномаси асосида расмийлаштирилиши шарт. Лицензион келишувда яратилган интеллектуал мулк объектлари ёки ноу-хоу ва аналогсиз илмий-инновацион,

техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланма муаллиф (лар) и ва “ИЖРОЧИ” ташкилот ҳамда учинчи томон ўртасида фойдани тақсимланиши кўрсатилиши шарт.

3.5. “ИЖРОЧИ” ташкилот яратилган интеллектуал мулк объектларини ёки ноу-хоу ва анологсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларни учинчи томонга лицензион келишув асосида бераётганида яратилган интеллектуал мулк объектларини ёки ноу-хоу ва анологсиз илмий-инновацион, техник-технологик янгиликлар ҳамда ишланмаларни ишлатиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва қурилмаларни ҳам учинчи томонга бериши ва бу тўғрисида далолатнома расмийлаштириши шарт.

3.6. Мазкур шартномани бажарилиш жараёнида пайдо бўлган келишмовчиликлар музакоралар ўтказиш йўли билан томонларнинг ўзаро келишувлари асосида ҳал қилинади. Ўзаро келишув таъминланмаган ҳолда келишмовчиликлар тегишли судда ҳал қилинади.

3.7. Мазкур шартнома шартларига риоя қилмаслик, шартнома шартларини тўлиқ бажармаслик ёки бузилганлик ҳолларида томонлар ушбу шартнома бандларида келтирилган шартлар ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг “Хўжалик юритувчи субъектлар орасида битим ва шартномалар тузиш, уларни шартлашиш, баҳолаш ўзгартириш ва бекор қилишнинг нормалари”, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги қонуни ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

#### 4. ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. “ИЖРОЧИ” ташкилот томонидан “БУЮРТМАЧИ” ташкилотга шартноманинг тугалланиши ва алоҳида босқичларининг бажарилиши бўйича календар режада белгиланган ишлар, шартномага мувофиқ тайёрланган тажриба намунани синовдан ўтказиш тартибига оид қабул қилиниши расмийлаштириладиган ва топширилиши мумкин бўлган илмий, техник, технологик ва бошқа ҳужжатлар рўйхати шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4.2. Мазкур шартнома доирасида “ИЖРОЧИ” ташкилот томонидан бажарилган иш **илмий-техник маҳсулот** ҳисобланиб, **илмий-техник маҳсулот** бўйича ҳисоботлар **қабул қилиш-топшириш далолатномаси** орқали амалга оширилади ва **қабул қилиш-топшириш далолатномасига** қуйидагилар илова қилиниб “БУЮРТМАЧИ” ташкилотга топширилади:

- мазкур шартнома шартлари ва техник топшириқда назарда тутилган барча илмий, техникавий, технологик ва бошқа ҳужжатлар мажмуасини;
- мазкур шартномага мувофиқ тайёрланган янги техника, технология ва илмий-техник маҳсулотнинг тажриба намунаси (партияси) ни қабул қилинганлиги тўғрисидаги комиссия баённомаси;
- илмий-техник маҳсулотнинг саноатда жорий этилганлиги ҳақидаги далолатнома, агарда саноатда маҳсулотни жорий этиш техник топшириқда назарда тутилган бўлса;
- бажарилган ишнинг тасдиқланган техник топшириқ ва календар режа (ёки бошқа ҳужжат) даги босқичларининг номланишига, ўтказилиш санаси, оyi ва йилига мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси билан “ИЖРОЧИ” ва “БУЮРТМАЧИ” ташкилотларнинг илмий-техник кенгашлари баённомасининг нусхаси.

4.3. Мазкур шартнома ва календар режа босқичлари бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш, ишни ёки босқични ёпиш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган далолатнома тарафлар томонидан имзоланади ва тасдиқланади.

4.4. “ИЖРОЧИ” ташкилот календар режа босқичлари бўйича тайёрланган маълумотни босқич яқунладиган ойнанинг 15-қунигача, ҳамда йиллик оралиқ-босқич ва якуний илмий-техник ҳисоботларни ҳисобот йилининг охириги ойнанинг 15-қунигача “БУЮРТМАЧИ” ташкилотга топширади.

4.5. Илмий-техник ишлар бажарилмаганда ёки бажарилиш сифати календар режадаги даражада таъминланмаганида ишнинг маблағ билан таъминланиши тўхтатилади.

4.6. Агарда шартноманинг бажарилмаслигида форс-мажор ҳолатлари – сув босиш, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар, шунингдек уруш, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, карантин ёки давлат органларининг ҳаракати натижаси бўлса, томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслик ҳолатларидаги жавобгарликни ўз зиммасига олмайдилар. Бунда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига мос равишда орқага сурилади.

## 5. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ҲАМДА ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

5.1. Илмий-техник маҳсулотлар яратиш, бажариш (топшириш) ишларини бажариш даврида ишдан илмий натижа чиқмаслиги ва ишни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, ишни молиялаштириш тўхтатилиб шартнома бекор қилинади ва ушбу ишдан натижа чиқмаслиги ҳақида эълон қилинади.

5.2. Томонларнинг келишувига биноан белгиланган тартибда ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ёки бекор қилиниши мумкин ҳамда бундай ҳаракат ёзма равишда расмийлаштирилади ва имзолаб тасдиқланади.

5.3. Илмий-техник маҳсулот доирасида бажариладиган ишлар бўйича ҳорижий техника ва технологияларни таҳлил қилиш ҳамда ҳорижий хизмат сафарларининг сарф-харажатлари **“БҮЮРТМАЧИ”** ташкилот томонидан қопланиб, харажатлар тўлиқ тўлаб берилади.

5.5. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади: бир нусхаси **“БҮЮРТМАЧИ”** ташкилотга ва иккинчи нусхаси **„ИЖРОЧИ“** ташкилотга берилади ҳамда ушбу икки нусхадаги шартномалар бир хил юридик кучга эга.

5.6. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати **15.05.2023 йилдан 2023 йил 31 декабргача.**

### 5.7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ИЖРОЧИ ТАШКИЛОТ:	БҮЮРТМАЧИ ТАШКИЛОТ:
„Тошкент кимё-технология институти“	“Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти”
Манзил: 100011 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 32-уй.	Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, мустақиллик кўчаси, 225-уй.
Тел. Факс: +998 (71) 244-03-14; 244-79-20	Тел. Факс: 0(375) 221-09-23; 0(375) 221-09-23
Молия вазирлиги ғазначилиги: х/р: 23402000300100001010	Молия вазирлиги ғазначилиги: х/р: 23402000300100001010
ИНН 201122919; МФО 00014, ХККМ МБББ Тошкент шаҳри	ИНН 201122919; МФО 00014, ХККМ МБББ Тошкент шаҳри
ш/хв: 400110860262777094100079002	ш/хв: 400910860104017094100079002
ИНН: 201053370; ОКОНХ: 92110	ИНН: 200666914; ОКОНХ:
Тўлов коди: 09510	Тўлов коди:
Тошкент кимё-технология институти ректори: Б.Ш. Усмонов	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори: О.Ш. Базаров
_____ 2023 й. М.Ў.	_____ 2023 й. М.Ў.
Илмий-инновацион ишланмаларни қўқоратиш ва яратиш бўлими бошлиғи: Н.Р.Мардонов	
Маъсул ижрочи: Х.Л. Пулатов	

Боши юридик: *А.А. Раҳимов*